



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 2 август, № 157 (8500)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЕОЛОГИЯ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНияТЛАР КўРСАТИБ ўТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 август куни фойдали қазилмалар захираси ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда геология соҳасига катта эътибор қаратилиб, замонавий технологиялар жорий қилингани натижасида ер ости бойликларини аниқлаш кўлами кенгайди. Уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларига хорижий инвестициялар кириб келмоқда.

Хусусан, сўнгги олти йилда каолинни қайта ишлаш бўйича 148 миллион долларлик 15 та янги лойиҳа ишга тушган. Натижада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар кўпайиб, экспорт 65 миллион долларга етган. Шу даврда кўмир қазиб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошиб, 5,4 миллион тоннага етган.

Тақдимотда шу соҳадаги, жумладан, кўмир, каолин ва уран ҳажмини оширишга қаратилган режалар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, бу йил 6,7 миллион тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган.

Каолин бўйича қиймати 620 миллион долларлик 33 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига жорий йилда экспортни 81 миллион долларга, 2030 йилга бориб 180 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ КОРЕЯ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «ХУДУДИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ТИББИЙ АСБЎБ- УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятини кенгайтириш, ҳудудий тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Корея Республикаси Ҳукумати томонидан "Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш" лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш учун Корея экспорт-импорт банкининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (кейинги ўринларда — ИРҲ жамғармаси)дан Ўзбекистон Республикасига 10 йил имтиёзли давр билан 40 йил муддатга жами 74 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги Корея вонига имтиёзли қарз ажратилиши маъқулланганиги;

Лойиҳанинг умумий қиймати

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ КўЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Оториноларингология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига юқори малакали иختисослаштирилган тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, соҳадаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий кадрларни тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги ассоциациясининг 2023 йил 1 сентябрдан юридик шахс мақомига эга бўлган Республика иختисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ:

оториноларингология йўналишидаги ишларни мувофиқлаштиради

(Давоми 2-бетда).



Шунингдек, уран захирасини ўстириш бўйича хорижий компаниялар билан ҳамкорликда геология-қидирув ишлари давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бу йўналишларда натижадорликни янада ошириш имкониятларини кўрсатиб ўтди. Мавжуд хомашё базаси, ноёб технологиялар ва кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Сурхондарёдаги тошкўмир бўйича 5 та истиқболли майдонни хусусий секторга бериб, геология-қидирув ишларини жадаллаштириш, Ангренда қазиб олинadиган кўмир сифатини яхшилаш ва саралаш технологияларини жорий этишга доир кўрсатма берилди.

Янги каолин конларини топиш ва оқ каолин захирасини 200 миллион тоннага етказиш, уни қайта ишлаш лойиҳаларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Гидротермал ва қора сланецли уран конларини ўзлаштиришга хорижий инвесторлар жалб қилиниши белгиланди.

ОЛТИН ДАВР ОСТОНАСИДА

1 август куни мамлакатимизда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари бошланди.



Жорий йилги тест синовлари худудлардаги абитуриентлар сони ва тест синовлари ўтказиладиган бинолар сигимидан келиб чиққан ҳолда 11 кундан 13 кунгача икки сменада соат 08:00 дан 11:00 га қадар ва 15:00 дан 18:00 га қадар бўлиб ўтади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги департамент бошлиғи Абдували Холиқовнинг таъ-

кидлашича, 2023/2024 ўқув йили учун ОТМга кириш тест синовлари республика бўйича 72 та бинода ташкиллаштирилиб, бир кунда икки сменада 2548 та гуруҳда 76440 нафар абитуриент имтиҳонларда қатнашади.

...Тошкент шаҳридаги тест синовлари бўлиб ўтаётган жойлардан бири — "Ўзэкспо-марказ" Миллий кўргазмалар

мажмуаси ҳам эрта тонгдан олий ўқув юрти талабаси бўлиш истагидаги ёшлар билан гавжумлашди.

Абитуриентлар иккита назорат пункти орқали мажмуага киритилмоқда. Олдин ички ишлар ходимлари абитуриентларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текширмоқда. Ҳужжатлар ва абитуриент рухсатномаси кўздан кечирилгач шахсни

идентификациялаш камерасидан ўтилади. Шундан сўнг абитуриентлар имтиҳон топширадиган ўринларига йўл олади. Ичкарида улар учун сув, ручка, тест топшириқлар китобчаси ҳамда жавоб варақалари ҳозирлаб қўйилган.

— Мана бугун олий ўқув юрти талабаси бўлиш остана-сида турибмиз, тест жараёни бу охириги қадам, — дей-

ди имтиҳон топшириб чиққан абитуриентлардан бири Шаҳзода Самандарова. — Агар шу қадам ҳам омадли босилса, талабалик бахтига мушарраф бўламиз. Тўғри, ҳозир ҳаммамиз ҳаяжондамиз, аммо орзулар рўёби сари иштиёқ юрагимизга куч бермоқда. Тест жараёни кучли назорат остида, шаффоф тарзда бўлиб ўтди.



НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Сенатнинг қирқ учинчи ялпи мажлисини 2023 йилнинг 4 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сенат Кенгашида

Қайд этилганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган мазкур ялпи мажлисда қатор қонунлар ҳамда масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Хусусан, "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институтини қаромиллаштирили-

ши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан-дир.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси 2023 йил 4 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 4-5 август кунлари ўтказилиши режалаштирилган. Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАСАЛАЛАРГА АҲОЛИ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакатни ривожлантиришнинг бугунги босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари ҳамда парламент назоратига оид масалаларни кўриб чиқди.

Педагогларнинг мақоми янада оширилмоқда

Мажлисида дастлаб депутатлар "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, педагогларнинг жамиятдаги мақомини юксалтириш, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва касбий камол топиши учун шароит яратиш, шунингдек, ҳуқуқий кафолатларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб олган.



«Ўзбекистон — 2030» стратегияси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

КОРЕЯ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ҲУДУДИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ТИББІЙ АСБЎБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⏮ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ИРҲ жамғармасининг **қарз маблағларини қайтариш**, шу жумладан, **қўшимча ҳақ ва фоизлар, бошқа тўловлар** билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “O’zmedimpexs” давлат муассасаси Лойиҳани амалга ошириш доирасида **тендер комиссиясининг ишчи органи ва тузилган шартномалар бўйича контрагент** ҳисобланади;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ва олиб қириладиган товарларга (хизматларга) тўланиши лозим бўлган **қўшилган қиймат солиғи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** тўланади. Бунда солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланиши ёки бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишга қўшган улуши сифатида ҳисобга олинади.

3. Қуйидагилар:

“Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасининг **асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

“Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ИРҲ жамғармасининг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан, қўшимча ҳақ ва фоизлар тўлашнинг **прогноз жадвали 2-иловага** мувофиқ;

“Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳаси доирасида харид қилинадиган тиббий жиҳозларнинг худудлар бўйича тақсимоти **3, За–Зн-иловаларга мувофиқ** тасдиқлансин.

4. Адлия вазирлиги **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Экспорт-импорт банки ўртасида имзоланган **қарз битими бўйича юридик хулоса берсин.**

5. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖга ИРҲ жамғармаси қарзи бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Корея Республикасининг ваколатли банки билан **банклараро шартнома имзолаш ваколати** берилсин.

6. Белгилансинки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт муассасаларининг эҳтиёжлари ҳамда хатлов натижалари асосида **тиббий асбоб-ускуналарнинг рўйхати, микдори ва техник тавсифларига** ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Лойиҳа доирасида: манфаатдор вазирлик ва идораларга зарур ҳисобот ва ҳужжатлар ИРҲ жамғармасининг талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида тайёрланиши ва тақдим этилишини;

Лойиҳани амалга ошириш даврида Лойиҳага жалб қилиниши кўзда тутилган тиббиёт муассасаларининг самарали фаолият олиб боришини;

харид қилинадиган тиббий асбоб-ускуналар ҳамда материаллар етказиб берилгунига қадар тиббиёт муассасаларида **жиҳозларни жойлаштириш ва ўрнатиш учун тегишли бинолар тайёрланиши;**

тиббиёт ходимларининг етказиб бериладиган тиббий асбоб-ускуналар ҳамда **замонавий технологиялар ва ахборот техника воситаларидан фойдаланиш бўйича** ўқитилишини;

белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун **зарур шароитларнинг яратилишини** таъминласин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Лойиҳани амалга ошириш даврида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сўровномасига асосан товарлар ва ускуналарни сотиб олиш, белгиланган манзилга етказиб бериш бўйича хизматлари, шунингдек, Лойиҳани молиялаштириш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириш учун **Давлат бюджетидан зарур маблағлар** ажратсин;

Лойиҳани молиялаштириш учун 2024 йилдан бошлаб зарур маблағларнинг **Давлат бюджети параметрларида** кўзда тутилишини таъминласин.

9. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасида жалб этиладиган ва ажратладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек, Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида кўзда тутилган кўрсаткичларга эришилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⏮ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликда оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини даволашнинг замонавий ва **юқори технологик усулларини** давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари амалиётига жорий этади;

6) **2024/2025 ўқув йилидан бошлаб** Марказда оториноларингология ихтисослиги бўйича тиббиёт кадрларини **клиник ординатура** орқали тайёрлаш ташкил қилинади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг оториноларингология бўлимлари Марказнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган **худудий филиаллари** ҳисобланади.

Марказ ва унинг худудий филиаллари тиббиёт йўналишидаги олий, профессионал ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тегишли кафедралари учун **клиник база** сифатида фаолият юритади.

3. Марказ фаолиятини **молиялаштириш манбалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш доирасидаги грантлар;

пуллиқ хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарорига мувофиқ, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган шартномалар асосида базавий нархларда молиялаштириш тартиби Марказ учун **2024 йил 1 январдан бошлаб** татбиқ этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2024 йил 1 январдан бошлаб** оториноларингология ва юз-жағ жарроҳлиги йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари

ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилади.

6. **2023 — 2026 йилларда оториноларингология хизматини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин ҳамда Дастур ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

а) Корея Эксимбанки Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) ҳисобидан 2023-2024 йилларда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларини, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Тошкент шаҳар шифохоналарининг оториноларингология бўлимлари ва тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларини, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиалларини 2-иловага мувофиқ **зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш** учун **17 миллион АҚШ долларини** йўналтирсин;

б) 2024-2025 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун **8,6 миллион АҚШ долларини** йўналтириш чораларини кўрсин:

Марказда “Юқори нафас йўллари аъзолари физиологияси ва патологияси”, “Эшитиш ва мувозанат аъзолари физиологияси ва патологияси”, “Фониатрия ва ронхопатия” илмий лабораторияларини, симуляцион амалий лабораторияни, **5 та** жаррохлик блокيني ва **60 та** ўрин-жойларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш;

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида “Эшитиш заифлашувини

ташхислаш, даволаш ва реабилитация муаммолари” **илмий лабораториясини** ташкил этиш;

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш.

8. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан аудиоскрининг натижаси бўйича аниқланган заиф эшитадиган болаларни кохлеар имплантация амалиётига тайёргарлик даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча йилга камида **2 000 та рақамли эшитиш мосламалари билан таъминлаш йўлга қўйилади;**

Андижон давлат тиббиёт институти клинкасининг вақтинча қисқартириладиган ўрин-жойлари ва штат бирликлари ҳисобидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиаллари қабул-диагностика бўлимида туну кун хизмат кўрсатадиган қўшимча **оториноларинголог ва юз-жағ жарроҳи штат бирликлари киритилади.**

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда оториноларингология бўйича амбулатор ва стационар шaroитда ёрдам кўрсатувчи давлат тиббиёт муассасалари учун штат нормативларини қайта кўриб чиқиш ҳамда келгусида эҳтиёждан келиб чиқиб уларга ўзгартиришлар киритиб бориш чораларини кўрсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарори 1-бандининг “б” кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ
ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

⏮1 Шунингдек, “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қону­нининг 31-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги, “Во­лон­тёрлик фаолияти тўғриси­да”ги Ўзбекистон Республика­си Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ҳай­во­но­т дунё­си­ни муҳо­фа­за қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес­пуб­ликаси Қонунининг 43-мод­дасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги, “Ветерина­рия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгар­тиришлар киритиш ҳақида”ги қонунларни кўриб чиқиш режа­лаштирилмоқда.

Бундан ташқари, дарёлар ўз­на­ларини тозалаш ва қирғоқ­ла­рини мустаҳкамлаш, ну­ру­да фой­да­ли қазилмаларни қазиб оли­шининг атроф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объект­ла­ри­га сал­бий таъ­си­ри ю­за­си­дан Ва­зи­р­лар Маҳ­камасига ю­бо­ри­лган парламент сў­рови нати­жа­ла­ри му­хо­ка­ма қилинади.

Ўз навбатига, Кен­гаш маж­ли­си­да сув ре­сур­слари­дан оқил­она фой­да­ланиш маса­ла­ла­ри кўри­лди.

Таъ­кид­лан­гани­дек, сув ре-

сур­слари­дан те­жа­мли фой­да­ла­ниш соҳа­си­да амал­га оши­рил­ган ислохотлар нати­жа­си­да ўтган ас­рин­инг 90-йил­ла­ри­га нис­ба­тан сув сар­фи йил­га 64 млрд. метр куб­дан ҳо­зи­р­ги кун­да ўрта­ча 51 млрд. метр куб­га­ча ка­ма­йти­рил­ди. Қо­ла­ве­ра, аввал­ла­ри ҳар бир гек­тар су­ғо­ри­ла­ди­ган май­дон­га ўрта­ча 16 минг метр куб сув иш­ла­тил­ган бўл­са, ҳо­зи­р бу кўрсат­кич 10 минг метр куб­га­ча ту­ши­рил­ди. Қиш­лоқ ҳў­жа­ли­ги­да сув те­жов­чи те­хно­ло­гия­лар­ни жорий қили­ши рағ­ба­т­лан­ти­риш ме­ха­низ­ми жорий этилган.

Бироқ эри­шил­ган и­ж­о­бий на­ти­жа­лар билан бир­га соҳа­да ҳал қили­ни­ши лозим бўлган му­а­мом­лар ҳам сақ­ла­ниб қо­лаёт­ир. Жум­ладан, мам­ла­ка­ти­ми­зда оли­на­ди­ган чў­чүк сув­нинг қарийб 90 фо­изи қиш­лоқ ҳў­жа­ли­ги­да фой­да­ла­ни­либ, ҳар гек­тар­га сув сар­фи те­хно­ло­гик ил­гор дав­лат­лар­га нис­ба­тан 2-2,5 баробар кўп. Ир­ри­га­ция тизим­ла­ри­да­ги носоз­лик­лар ту­вай­ли экин май­дон­ла­ри­га сув ет­казиб бе­ри­ш­да сези­лар­ли йўқо­ти­шлар мав­жуд.

Ю­за­га кел­ган му­а­мом­ла­рини бар­та­раф этиш мақ­са­ди­да Се­нат таш­аб­бу­си билан Ўз­бе­ки­стон Рес­пуб­лика­си Фан­лар ака­де­мия-

си, сув ҳў­жа­ли­ги, қиш­лоқ ҳў­жа­ли­га ва бош­қа соҳа­га те­гиш­ли ва­зи­р­лик ва ид­о­ралар, кенг жа­моат­чи­лик ва­кил­ла­ри­дан и­бо­рат иш­чи гу­руҳ шак­л­лан­ти­рил­ди.

Иш­чи гу­руҳ то­мо­ни­дан сув ре­сур­слари­ни му­ҳо­фа­за қилиш, ундан оқил­она ва са­ма­ра­ли фой­да­ла­ниш, сув­ни бош­қариш ме­ха­низ­м­ла­рини та­ко­мил­ла­шти­риш маса­ла­ла­ри ю­за­си­дан бар­ча соҳа ва тар­моқ­лар­да­ги му­а­мом­лар ва улар­ни ҳал қилиш чо­ра­ла­ри қам­раб олин­ган ком­п­лекс чо­ра-тад­бир­лар ре­жа­си иш­лаб чиқил­ди.

Му­ҳо­ка­ма­лар­дан сўн­г ма­з­кур маса­ла ю­за­си­дан Се­нат Кен­га­шининг те­гиш­ли қарори қа­бул қилин­ди.

Шун­дан сўн­г Кен­гаш аъ­зо­ла­ри Ан­ди­жон, На­ман­ган ва Фар­ғо­на ви­лоят­ла­рини иж­ти­мо­ий-иқ­ти­со­дий ривож­лан­ти­риш­га оид ва­зи­фалар иж­ро­си ус­ти­дан пар­ла­мент на­зо­рати са­ма­ра­дор­ли­гини яна­да оши­риш тўғ­ри­си­да­ги ҳа­ма­да ҳу­дуд­лар­да 2023-2024 йил­ги куз-қиш мав­су­ми­га тайёр­гар­лик қўриш бо­раси­да иш­лар­нинг ҳо­ла­ти­ни ўр­га­ниш тўғ­ри­си­да­ги маса­ла­лар­ни ҳам кенг тах­лил­дан ўт­каз­ди.

«Халқ сўзи».

МАВСУМГА ҚАНДАЙ ҲОЗИРЛИК
КЎРИЛАЁТГАНИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Хабар бериб борилаётганидек, айни кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари худудларда бўлиб 2023-2024 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

■ Сенатор ва ҳаёт

Бу жараёнда иқтисодиёт тар­моқлари, ижтимоий соҳа объек­тлари ва бўшқа соҳага тегишли ва­зи­р­лик ва ид­о­ралар, кенг жа­моат­чи­лик ва­кил­ла­ри­дан и­бо­рат иш­чи гу­руҳ шак­л­лан­ти­рил­ди.

Иш­чи гу­руҳ то­мо­ни­дан сув ре­сур­слари­ни му­ҳо­фа­за қилиш, ундан оқил­она ва са­ма­ра­ли фой­да­ла­ниш, сув­ни бош­қариш ме­ха­низ­м­ла­рини та­ко­мил­ла­шти­риш маса­ла­ла­ри ю­за­си­дан бар­ча соҳа ва тар­моқ­лар­да­ги му­а­мом­лар ва улар­ни ҳал қилиш чо­ра­ла­ри қам­раб олин­ган ком­п­лекс чо­ра-тад­бир­лар ре­жа­си иш­лаб чиқил­ди.

Му­ҳо­ка­ма­лар­дан сўн­г ма­з­кур маса­ла ю­за­си­дан Се­нат Кен­га­шининг те­гиш­ли қарори қа­бул қилин­ди.

Шун­дан сўн­г Кен­гаш аъ­зо­ла­ри Ан­ди­жон, На­ман­ган ва Фар­ғо­на ви­лоят­ла­рини иж­ти­мо­ий-иқ­ти­со­дий ривож­лан­ти­риш­га оид ва­зи­фалар иж­ро­си ус­ти­дан пар­ла­мент на­зо­рати са­ма­ра­дор­ли­гини яна­да оши­риш тўғ­ри­си­да­ги ҳа­ма­да ҳу­дуд­лар­да 2023-2024 йил­ги куз-қиш мав­су­ми­га тайёр­гар­лик қўриш бо­раси­да иш­лар­нинг ҳо­ла­ти­ни ўр­га­ниш тўғ­ри­си­да­ги маса­ла­лар­ни ҳам кенг тах­лил­дан ўт­каз­ди.

«Халқ сўзи».

Шунингдек, Марғилон шахри­да­ги “Зухро”, “Гулистон”, “Чи­лонзор”, “Саховат” ва “Мил­тиқ-сос” ма­хал­ла фу­қа­ро­лар йил­ти­қ­ла­ри­да­ги 130 та кўп қа­ват­ли уй­ни иситиш­га мўл­жал­лан­ган мар­каз­лаш­ган ис­сиқ­лик тизими ва бир не­ча иж­ти­мо­ий соҳа об­ъек­тла­ри­да куз-қиш мав­су­ми­га тайёр­гар­лик ҳо­ла­ти тах­лил қилин­ди.

Ўз нав­ба­ти­да, сенатор то­мо­ни­дан олиб бори­лаёт­ган иш­лар, бош­лан­ган лойи­ҳа­лар­ни сифат­ли ҳам­да вақ­ти­да яқун­лаш ю­за­си­дан ма­хал­лий Кен­гаш де­пу­та­тла­ри ва масъул­лар­га та­всия­лар берил­ди.

Олий Маж­лис Се­на­ти аъ­зо­ла­ри ва ма­хал­лий Кен­гаш де­пу­та­тла­ри­дан и­бо­рат иш­чи гу­руҳ Самар­канд ви­лоят­ни­нинг Жом­бой ту­ма­ни­да бў­либ, ҳу­дуд­да 2023-2024 йил куз-қиш мав­су­ми­га тайёр­гар­лик иш­ларининг бо­ри­ши билан та­ни­шиш­ди. Ху­су­сан, иш­чи гу­руҳ аъ­зо­ла­ри ту­ман­нинг Али­шер Наво­ий но­ми­на­да 2023-2024 йил куз-қиш мав­су­ми­га тайёр­гар­лик иш­ларининг бо­ри­ши билан та­ни­шиш­ди. Ху­су­сан, иш­чи гу­руҳ аъ­зо­ла­ри ту­ман­нинг Бах­шита­па ма­хал­ласи ҳу­дуд­и­да жой­лаш­ган 15-умум­таъ­лим мак­та­би­да ва 27-МТ­Да қи­ша ҳо­зи­р­лик иш­ла­рини ҳам кўз­дан ке­чи­риш­ди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи



«ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Утган йиллар давомида истиқлол — ўз тақдирини ўзи белгилашдек буюк соадат ҳалқимизнинг тинч-осуда ҳаёти, фаровонлиги пойдеворига айланди.

Буни кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимиз турмуш даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг ҳаёتبаш натижалари ҳам яққол кўрсатиб турибди. Масалан, юртимизда қисқа фурсат мобайнида биргина энергетика мустақиллигига эришиш, хусусан, муқобил энергия манбаларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар асрларга татигуликдир. Шу маънода, Президентимизнинг 2023 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, энг улғу, энг азиз айёмимиз “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” деган бош ғоя асосида нишонланаётгани бежиз эмас.

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

Соҳанинг ҳуқуқий базаси мустаҳкам

2019 йил 21 майда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, соҳа ривожига асос яратилди. Хорижий инвесторлар жалб этилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди. 2021 йил августда Навоий вилоятида юртимиздаги илк қуёш фотоэлектр станцияси ишга тушрилди. Ўша йилнинг сентябрида Самарқандда яна бир шундай станция фойдаланишга топширилди.

Умуман, 2022 — 2024 йилларда 3 миллиард доллар тўғривдан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами қуввати қарийб 3 минг мегаваттли 10 та қуёш ва шамол электр станциясини барпо этиш кўзда тутилган.

Бу Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш борасидаги максадларига ҳамоҳанг. Зеро, 2021 йили Шотландиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтган иқлим бўйича халқаро саммитда мамлакатимиз “иссиқхона газлари”нинг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш ташаббусини эълон қилди. Бунинг учун барча асос бор. Хусусан, 2026 йилга қадар юртимизда қуёш ва шамол электр станцияларини умумий қувватини 8 минг мегаваттга етказиш чоралари кўрилади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида ҳам энергетика тизимини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, иқтисодиётни электр энергияси билан узлуқсиз таъминлаш ҳамда “яшил” иқтисодий технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, 2026 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 млрд. кВт-соатга ошириб, жами 100 млрд. кВт-соатга етказиш мақсад қилинган. Ўзбекистон энергетика тизимининг қўшни давлатлар энергетика тизимлари билан барқарор ишлашини таъминлаш, sanoat тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа тармоқларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш, электромобиллар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича чораларни кўриш, иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқарадиган зарарли газлари ҳажмини қисқартириш мўлжалланган.

Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, умумий қуввати 4300 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, 2100 МВт — йирик қуёш ва шамол электр станциялари, 1200 МВт — ижтимоий соҳа объектлари, хўжалик субъектларининг бино ва иншоотлари ҳамда хонадонларда ўрнатиладиган қуёш панеллари, 550 МВт — тадбиркорлар томонидан барпо этиладиган кичик фотоэлектр станциялари ишга туширилади.

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергиятежамкор технологияларни жорий қилиш орқали 2023 йилда қўшимча 5 млрд. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 млрд. метр куб табиий газни иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Эътиборлиси, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган унастқалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини саклаш тизими билан ўрнатишдан бўлса, ўн йил муддатга озод этилиши белгиланди.

2023 йил 1 мартдан бошлаб ягона электр энергетика тизимига улануши учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди. 1 апрелдан бошлаб эса республика ҳудудларида аҳоли хонадонларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВт.гача) қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури амалга ошириляпти. Қолаверса, 2023 йилда 37 минг аҳоли хонадонларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаси тасдиқланди.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, турмуш даражаси яхшилангани сари энергияга талаб ҳам ошиб боради. Сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошган. Бу кўрсаткич йилга 6 фоиздан ўсиб бормоқда. Шу боис энергия ишлаб чиқариш изчил ривожлантирилмоқда, бунга қўшимча сув, қуёш, шамол энергетикаси станциялари барпо этиляпти. Шу билан бирга, электр энергияси ва табиий газ сарфини ҳисоблаш тизими ҳам тартибга келтирилди. Эндиги муҳим вазифа — бу неъматни қадрлаб, тежаб, ўз ўрнида фойдаланиш. Бу борада ҳам имкониятлар етарли. Асосийси, sanoat корхоналарида иш жараёнини оптимallasтириш, энергия ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш, қозонхоналарни янгилаш ва таъмирлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига табиий газ ва электр энергиясини 10 фоизгача қисқартириш мумкин. Бу пировард натижада халқимизни энергия манбалари билан узлуқсиз ва барқарор таъминлашга хизмат қилади.

Узлуқсиз, тежамкор ва табиатга безарар

XXI асрда иқлим ўзгариши, озон қатлами емирилиши ва атроф-муҳит ифлосланиши оқибатида бутун инсоният олдида экологик хавфсизлик масаласи янада мураккаблашди. Ер юзида аҳоли сонининг ўсиб бориши, фан-техника тарақиётини ва мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши, табиий ресурсларнинг кўп миқдорда ўзлаштирилиши оқибатида табиатга катта зарар етмоқда. Мамлакатлар олдида тез суръатларда ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат ва бирламчи хомашё билан таъминлаш вазифаси турибди. Бугунги кунда энергия таъминоти ҳам бирламчи заруратлар қаторида. Чунки пандемияда кейинги иқтисодий тикланиш, “савдо урушлари” ва геосийёсий кескинлик кучайган ҳозирги даврда қўпчилик ривожланаётган ва айрим ривожланган мамлакатлар учун ушбу масаланинг на-



қадар долзарблиги ҳаётий ҳақиқатга айланиб улғурди.

Энергия таъминоти узлуқсиз, тежамкор ва табиатга безарар бўлмоғи лозим. Аини дамда ёқилгининг қазилма турлари — кўмир, нефть, табиий газ ва уран аъъанавий энергия манбалари сифатида жаҳон энергетика балансининг асоси ҳисобланади. Ушбу қазилма бойликлар вақти келиб тугаши аниқ табиий ресурс бўлиши билан бир қаторда, айрим мамлакатлар томонидан геосийёсий дастак сифатида тобора кенг ишлатилаётди. Шунингдек, уларни қайта ишлаш оқибатида атмосферага кўп миқдордаги захарли моддалар ажралиб, атроф-муҳитга сезиларли зарар етказмоқда.

Хўш, ҳозирги мураккаб ва кескинлик шариоитида энергия таъминотига эҳтиёжни қандай қоплаш мумкин? Шубҳасиз, бу борада энг истиқболли ечим — қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, қайта тикланувчи энергия манбалари — атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергияси тушунилиши кўрсатилган. Яъни “яшил” энергиянинг замирида Ер юзидида ҳаёт манбаи бўлган қуёш туради. Шамол ҳам, сувнинг табиатда эркин айланиши ва бошқа иқлим шариоити билан боғлиқ жараёнларнинг барчаси қуёшнинг фаоллиги ҳисобига амалга ошади. Умуман олганда, эпидемиологик ва экологик талаблар асосида табиий тоза энергияни фақат табиатда мавжуд бўлган ва инсон аралашувисиз ўз-ўзидан тикланадиган манбалар ҳосил қилганили учун улар тикланувчи энергия турларига киритилган. Нефть, табиий газ, кўмир ва уран рудаси каби қазилма ёқилгидан фарқли ўлароқ, ушбу энергия манбалари тугамайди, шунинг учун улар “қайта тикланувчи” деб аталади. Атроф-муҳитга деярли зарари бўлмагани учун “яшил” энергия деб таърифланади.

Бугунги кунда, Ер юзиде, жумладан, Ўзбекистонда ҳам энергия ишлаб чиқариш, асосан, газ ва кўмир эвазига амалга оширилади, уларнинг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган энергияга эса “муқобил” мақоми берилган. Ҳеч кимга сир эмас, аини вақтда мамлакатимизда электр энергиясига талаб йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда бир йилда 10 млрд. долларлик электр ва газ истеъмоли қилинади. Бундан ташқари, бугунги кунда 2-3 млрд. кВт-соат электр энергиясига қўшимча талаб ҳам мавжуд. Келгуси беш йилда бу эҳтиёж икки баробар ёки қўшимча 10 млрд. кВт-соатга ошиши кутилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Россия, Украина ва Қозғоғистондан кейин 4-ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзаро боғлиқ энергия тизимида ўрнатишган қувватларнинг тахминан 50 фоизига эғалик қилади. Сўнгги йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Буни Ўзбекистонда электр

энергияси ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич, мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ўсаётгани ҳамда аҳолининг яшаш шариоитлари бундан-да тезроқ яхшиланаётганлигидан далолат беради. Яъни оиланинг даромади ошса, уй-рўзғор маиший техникалари ва фарзанди учун компьютер сотиб олади, ҳар бир хонага совиткич ва қандил ўрнатади. Табиийки, буларнинг барчаси электр энергия истеъмолида ўз аксини топади.

Халқаро тажриба салмоқли

Халқаро миқёсда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмида “яшил” қувватлар улуши охириги беш йилда 2 бараварга ўсганлигини кўришимиз мумкин. 2021 йилда том устига ўрнатишган қуёш панеллари ҳисобига ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 100 ГВт қувватдан ошди. 2022 йилда эса бу борадаги рекорд янада янгиланди. Мисол учун, “яшил” китъа ҳисобланмиш Австралияде ҳар тўрт хонадондан бирида қуёш панеллари ўрнатишган. Бу — мамлакат бўйлаб 3 млн. МВт қуёш энергияси ишлаб чиқарилади, дегани. Қуёш панелларидан фойдаланиш бўйича дунёда биринчи ўринда бўлган Австралия 2026 йилга бориб аҳоли эҳтиёжларининг 77 фоизини қуёш энергияси ҳисобига таъминлашни режалаштирмоқда.

Бугун “яшил” энергияга ўтиш ҳақида кўп гапирилаётган Германияда “Energiewende” сўзи сиёсат ва матбуотда энг муҳим иборалардан бирига айланган. У қазиб чиқарилувчи ёқилгилардан табиатга зарарсиз ва ишончли ҳамда арзон энергия турларига ўтиш жараёнини англалади. Бу жараёнинг катта воқеаси 15 апрелда юз берди. Ўша кунни мамлакатдаги охириги учта ядровий реактор иши тўхтатилди ва шу билан 60 йилдирки немисларга хизмат қилган атом энергиясидан буткул воз кечилди. Ҳукумат 2035 йилгача ўзидеги энергиянинг 100 фоизини қуёш ва шамол каби қайта тикланувчи манбалардан олишни режалаштирмоқда. Бу катта таваккал бўлиб, атом ёқилгисидан воз кечилиши кўплаб мутахассисларнинг танқидига ҳам сабаб бўлди. Чунки уларнинг фикрича, Германия ҳали тўлалигича қайта тикланувчи энергияга ўтиш учун инфратузилмани яратмаган ва атом ўрнини ҳатто захарли кўмир билан тўлдиряпти.

Германияда энергетик мустақилликка чиқаришлар кучли. Бир омиввий фикр сўровига кўра, германияликларнинг 85 фоизи “яшил” энергияни қучайтириш тарафдорли. Утган йили немислар қуёш панелларини ўрнатиш бўйича Европада етакчилиكنи эгаллади. Йирик компаниялар катта ҳажмдаги қуёш станцияларини қуришда бюрократия ва аҳоли орасида қаршилик қўпчилигидан ноллийди, шундай экан, қуёш панелларини, асосан, хусусий тоملарда кўрасиз. Ундан ташқари, бу энергетик инқилобни қила оладиган усталар Германияда танқис.

Испания эса 2050 йилгача ўз электр таъминотини буткул қайта тикланувчи манбалардан олиш ва кўп ўтмай, қазилма ёқилгилардан бутунлай воз кечишдек ўта дадил режани эълон қилди. У 2030 йилгача барча ядровий реакторлар ва кўмир билан ишлайдиган электр станцияларини ёпишни билдирди. Аср ўртасига бориб, мазкур режага кўра, “иссиқхона газлари” ўтган асрнинг 90-йилларидагидан 90 фоизга камайитирилади. Бу режани амалга ошириш учун Испания ҳукумати келгуси 10 йил ичиде ҳар йили ҳажми 3 минг мегаваттга тенг шамол ва қуёш энергияси қурилмаларини ўрнатишга бел боғлади. Шамол фермаларини Испания бўйлаб кўп ўрнатиш мумкин. Уларнинг сони бугун 4 500 та. Шу баҳайбат қархпалакар, таъбир жоиз бўлса, шамолдан ҳосил олади ва у электр энергиясига айлантирилади. Улар шунчалик самаралики, ўтган йил Испанияда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг салкам 20 фоизи шамол фермаларидан олинган.

Қиёслаш учун айтадиган бўлсак, Испанияда фаол бўлган еттига ядровий реактор ҳам мамлакатдаги энергиянинг 20 фоизини ишлаб чиқаради.

Шамол кучли бўлган кунлари Испания электр таъминотида “яшил” энергия ҳиссаси анча ошиб ҳам кетади. Масалан, 2015 йилнинг ноябрида Испания яримороллида истеъмоли қилинган электрнинг 70,4 фоизи шамол турбиналаридан олинди. Бу, ўз навбатида, электр нарҳига ҳам ижобий таъсир қилган — ўша йили энергия аввалги йилдагига қараганда 46 фоиз арзонлаган. Ҳукумат қазилма ёқилги секторидан воз кеча бошлар экан, қончиларини қайта ўқитиб, қайта тикланувчи энергия соҳасига жалб қилмоқда.

Испания жанубидаги Андалусия мамлакатининг шимолий ва марказий вилоятлари қайта солиштирганда, шамол бўйича илғор ўринларни эгалламас, аммо қуёш энергияси бобида унга етадигани йўқ. Йилгига ўртача 320 кун офтоб қарақлаб турадиган бу вилоят мамлакатдаги энг серқуёш ҳудуддир. Шу боис ҳам бу ҳудудда қуёшдан электр энергиясини олиш йўлга қўйилмоқда. Офтоб панелларини нафақат ҳукумат бинолари, хусусий фермалар ёки уйлар томида кўрасиз, балки уларнинг ҳатто қишлоқларда йўл четига ўрнатишган чирокларни қувватлантираётганига ҳам ғувоҳ бўласиз. Саноатлаштирилган ва арзон бўлмаган йирик шамол турбиналаридан фарқли ўлароқ, қуёш панелларини ўрнатиш оддий хўжаликлар учун ҳамёнбоп. Технология кундан-кунга ривожланиб бормоқда. “Яшил” энергияни ривожлантиришга бел боғлаган ҳукумат инновация соҳасига ҳам пул тикмоқда. Вақт ўтиши билан қуёш батареяларининг ҳам фойдаланиш муддати анча узайишига эришилади.

Испания қуёш энергияси бўйича яқин йилларгача Европа давлатларидан анча орқада эди. Бунга 2013 йилда иқтисодиётни инқироз туфайли киритилган “қуёш солиғи” сабаб бўлган. Қўлар бемаъни дея таърифлаган бу солиққа кўра, қуёш энергиясидан ҳосил олган компаниялар ва уй хўжалиқлари Давлат бюджетига солиқ тўлашлари керак эди, бу, ўз навбатида, хусусий секторнинг “белгига тепди”. Аммо шу йил баҳорда янги ҳукумат уни бекор қилди ва Испания қуёш иншоотларини ўрнатиш бўйича Европада биринчи ўринга чиқиб олди. Аини чоғда соҳага инвестиция кескин кўпайган, чунки компаниялар энергияни давлат тармоғига сотишлари ҳам мумкин.

Хиндистон ҳам бу борада энг илғор 10 та мамлакатнинг бирига айланиб улғурди. 2021 йилда хиндлар ўз хонадонларига 1,5 минг МВт қувватли қуёш электр станцияларини ўрнатган. Бу мамлакатда ҳозирда ўнлаб қуёш электр станциялари мавжуд бўлиб, улар Рожастон штатининг чўл ҳудудида жойлашган. Бахдад қуёш электр станцияси Ер юзидеги энг катта “яшил” энергия ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, унинг ҳудуди 5,66 минг гектар, қуввати эса 2,2 ГВт.га тенг.

Барқарор ривожланиш мақсадларига мос

Мутахассислар фикрича, Ўзбекистон ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича катта салоҳиятга эга. Мамлакатимизнинг муқобил энергетика салоҳияти аъъанавий органик ёқилги ресурслари захирасидан бир неча баравар кўпроқ. Бу имкониятнинг 97 фоизга яқини қуёш энергиясига тўғри келади. Яъни оша заминимизда бир йилда қарийб 300 кун қуёшли ҳисобланади. Бу борада қуёш энергетикаси ривожланган Испаниядан ҳам ўзимиз мумкин. Қолаверса, шамол эсуви ҳудудлар, шунингдек, гидроэнергетика қувватларини янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлган тоғдарёларимиз мавжуд. Аҳолининг

Мухтасар айтганда, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш табиий ресурсларни тежаб ва табиатга етказиладиган зарар миқдорини камайтиришга шароит ҳозирлайди. Бу энергетика тармоқларида турли аварияларнинг олдини олиш, технологик йўқотишларни камайтиришга ёрдамлашди, энг муҳими, экологик тоза, “яшил” энергияга ўтиш жараёни фаоллашди. Бундай саъй-ҳаракатлар нафақат бугун, балки келажак учун ҳам долзарбдир.

Нурбек НАСРУЛЛАЕВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нурафшон филиали директори, PhD, доцент.

Халқ сўзи Народное слово	Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.	Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъминот жавобгар. Газета таҳририят компьютер терминали билан оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфия ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-йў. Набатчи муҳаррир — 3. Худойшукров. Мусаҳҳих — С. Исламов.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши	ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 90-371-64-04; Эълонлар 90-999-77-65.	“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6	